

М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети профессорининг кадастр соҳасига оид маҳсус семинари

**М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети профессори,** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори **Сапожников Пётр Михайлович** ташриф институтга ташриф буюрди.

Ер ресурслари бошқариш факультетида “Ўздаверлойиҳа” институти ва Кадастр агентлиги билан ҳамкорликда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун маҳсус семинарлар ташкил этилди.



Проф. П.М.Сапожниковнинг **биринчи семинари** “Россияда кадастр баҳолашга оид қонунчилик хужжатлари. Кадастр инженерлиги фаолияти” мавзуларида бўлиб ўтди. Семинарда факультет профессор-ўқитувчилари, докторантлар ва магистрантлар иштирок этишди.

**Иккинчи семинар** “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг давлат кадастр баҳоси. Қишлоқ хўжалиги ер турлари кадастр баҳосини шакллантиришда агроиқлим ва тупроқ кўрсаткичларининг роли” мавзуларида ўtkазилди. Ушбу семинарда Ер ресурсларини бошқариш факультети битириувчи 4-курс талабалари ва профессор-ўқитувчилар иштирок этишди.



Семинарда проф. П.М.Сапожников соҳага оид бўлган кадастр инженерлик ишлари фаолияти ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг кадастр баҳосини аниқлаш бўйича Россия тажрибаси билан таништирди ва Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар билан тажриба алмашди. Семинар очик мулоқот ва савол-жавоб тарзида ўтди.

**Ер ресурсларини бошқариш  
факультети декани Ш.Нарбаев  
ахбороти**